

2.7. Етказиб берувчи Истеъмолчини ёзма равишда газ етказиб беришнинг ҳақиқий кискартирилишига қадар камидаги 6 соат олдин газ етказиб бериш кисқариши тўғрисида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилгандан кейин газ етказиб бериш дарҳол кискартирилади.

2.8. Магистрал ва газ тармокларининг технологик ишлаши бузилган ҳолатларда Етказиб берувчи газ етказиб беришни чеклаши мумкин, Истеъмолчи эса ёқилғининг резерв туридан фойдаланиш жадвалига ўтади.

2.9. Истеъмолчи ва Етказиб берувчи ўртасида газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида Истеъмолчи тезкор маълумотларни мунтазам алмашишини таъминлаш учун жавобгарлиини ўз зиммасига олади.

2.10. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасида ҳисобот ойи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчидаги ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади: автоматик тарзда тўғриланадиган газни ҳисобга олиш приборидан ҳисобот даври учун олинган (распечатка) архив маълумотлари;

газни ҳисобга олиш прибори кўрсаткичлари, кейинчалик стандарт шартларга (ҳисоблаш приборида газ ҳажмини автоматик тарзда тўғриланган ҳолда ҳисоблайдиган қисми мавжуд бўлмаганда келтириладиган ҳисобга олиш боғланмасидаги ҳакиқий босими ва ҳароратини рўйхатдан ўтказишининг ип ўтказиб тикилган ва муҳрланган дафтири;

Етказиб берувчи томонидан белгиланган тартибида ҳисобланган, Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоклари ва ГТШдаги технологик йўқотишларни ҳисоблайдиган ҳажми кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилган далолатнома.

2.11. Истеъмолчига етказиб берилган газ ҳажмини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган норматив ҳужжатларга асосан ўрнатилган соз ҳолатдаги назорат-ўлчов приборлари кўрсаткичлари бўйича олиб борилади.

Истеъмолчи газни ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиши ва уларни соз ҳолатда тутиши, даврий давлат киёсловидан ўтказиши учун жавобгар бўлади.

2.12. Истеъмолчи ушбу шартноманинг 6.9 ва 6.10-бандларида назарда тутилган жаримани хабарномани олган кунидан бошлаб 10 кун мобайнида тўламаган тақдирда Етказиб берувчи, олдиндан огоҳлантирумасдан, газ етказиб беришни тўхтатишига ҳақлидир.

2.13. Етказиб берувчи томонидан берилган Техник шартларда резерв ёқилғидан фойдаланиш назарда тутилган тақдирда, Истеъмолчи етарли миқдорда захирани шакллантириши, шунингдек бундай резерв ёқилғини тайёрлаш ва фойдаланиш тизимида эга бўлиши шарт. Иситиш мавсумида авария вазиятлари юзага келиши аниқланганда ёки магистрал ва газ тармокларининг гидравлик ишлаш режими бузилган тақдирда Истеъмолчи резерв ёқилғига ўтиши шарт.

Куз-қиши даврида куввати 20 Гкал/соатдан ортиқ буғқозонларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун камидаги 2 ой ёки шаҳар кунидаги мўлжалланган резерв ёқилғисининг захираси бўлиши зарур (КМ ва К-2-35-76).

2.14. Истеъмолчи шартномада белгиланган муддатларда газдан фойдаланиши тўхтатади ва Етказиб берувчи билан газ тармоғидан узиш тўғрисида икки томонлама далолатнома тузади.

2.15. Истеъмолчи газни ҳисобга олиш комплекслари ёки газни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш «Ўзстандарт» агентлигининг норматив талабларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш учун жавоб беради.

2.16. Истеъмолчи ўз балансида бўлган газдан фойдаланиш асбоб-ускуналари, ГТШ (газ тақсимлаш шоҳобчалари), газни ҳисобга олиш приборларининг созлиги ва сакланиши ҳамда қонун ҳужжатларига талабларига мувофиқ ўз вақтида киёслашдан ўтказилиши учун жавоб беради.

2.17. Газ ўлчаш комплекслари ва газни ҳисобга олиш приборларидан улар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланган шартлар ва талабларга мос бўлган тақдирда фойдаланилиши керак.

2.18. Олинган газ учун ҳисоб-китоб пломбаланмаган газдан фойдаланиш асбоб-ускуналарининг бир кеча-кундузда 24 соат ишлаши ҳисобидан қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

газни ҳисобга олиш приборини давлат киёсловидан ўтказиши муддати тугаганда, бунда тегишли ҳисоб-китоб қиёслор муддати тугаган вақтдан бошлаб ўтказилгандан кейин газни ҳисобга олиш приборини ўрнатиш вақтигача бўлган даврда;

газни ҳисобга олиш приборининг носозлиги, пломбанинг бузилганлиги, ўзбошимчалик билан жойидан олинганлиги аниқланганда, шунингдек газни ҳисобга олиш приборлари Истеъмолчидаги Етказиб берувчида мавжуд бўлмаганда — Етказиб берувчи вакилининг охирги кўздан кечиришидан бошлаб.

2.19. ҳисобот ойи якуни бўйича Истеъмолчи Етказиб берувчига ушбу шартноманинг 2.3-бандига асосан техник ҳужжатларни тақдим этиши шарт.